



## “МИФТАХУ-Л-УЛУМ” АСАРИДА КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ БАЁНИ

Мансур Жуманиёзов

Ўзбекистон жаҳон тиллар университети,  
стажёр-ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8430346>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 02-October 2023 yil

Ma'qullandi: 06- October 2023 yil

Nashr qilindi: 11- October 2023 yil

### KEY WORDS

Кўрсатиш олмошлари  
(المبهمات) ўзгармас сўзлардан  
бири ҳисобланиб, сўз охири ҳеч  
қандай ўзгаришга учрамайди.

### ABSTRACT

Абу Яъқуб Саккокий “Мифтаху-л-улум” асарида кўрсатиш олмошига ўзига хос услубда қўйидагича таъриф беради: “Гапирувчи ва эшитувчидан бошқа олдин эслаб ўтилган нарсага бирор бир шартсиз ишора қилади. Кўз билан кўриш ёки ҳикоя қилинишга ҳожат сезилмаган ўринларда: - /ذ (бу мз), تا، تي، ته، ذه، - (бу мн), - أول (булар мз,мн) бундан бошқа шу ўринда қўлланувчи сўзларга أسماء الإشارة - (“ишора номлари” [кўрсатиш олмошлари]) деб номланади” [1, 31b].

Кўрсатиш олмошлари (المبهمات) ўзгармас сўзлардан бири ҳисобланиб, сўз охири ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди.

Абу Яъқуб Саккокий “Мифтаху-л-улум” асарида кўрсатиш олмошига ўзига хос услубда қўйидагича таъриф беради: “Гапирувчи ва эшитувчидан бошқа олдин эслаб ўтилган нарсага бирор бир шартсиз ишора қилади. Кўз билан кўриш ёки ҳикоя қилинишга ҳожат сезилмаган ўринларда: ذا - (бу мз), ته، ذه، - (бу мн), - أول (булар мз,мн) бундан бошқа шу ўринда қўлланувчи сўзларга أسماء الإشارة - (“ишора номлари” [кўрсатиш олмошлари]) деб номланади” [1, 31b].

Бу таърифдан кўрсатиш олмошларида шахс-сон йўқ эканлиги баён қилиниб, ишора ифодаси борлиги учун “Ишорани билдирувчи исмлар” (أسماء الإشارة) деб аталгани баён қилинди. Шунингдек, таърифдаги “бундан бошқа” бирикмасидан Саккокий бу олмошларнинг иккиликдаги تان، فان، ни назарда тутмоқда. Муаннаси ифодаловчи кўрсатиш олмошлари ذه، ته، تي، تا эканлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Кўрсатиш олмошининг музаккар бирлик шакли ذا бўлсада, ҳозирги араб тилида эътибор жалб қилишни ифода этувчи هاء التنبيه (هَاءُ التَّنْبِيْهِ) билан бириккан ҳолда келади [4: 100], яъни هذا шаклида. Саккокий санаб ўтган барча олмошларда ушбу қўшимча бирикиб келади. Шу билан бир қаторда у ишора қилинаётган шахс ёки предмет яқинда эканлигини ҳам ифодалаб келади. Саккокий ёзган ушбу أول (булар мз, мн) олмошнинг أولى шакллари ҳам мавжуд бўлиб, “булар, ана ўшалар” маъносида шахс ва предметлар учун қўлланилади. Мисол учун: أولئك هم المفلحون - أولئك على هدى من ربهم (Ана ўшалар Роббилари ҳидоятидадирлар ва ана ўшалар нажот топгувчилардир. Луқмон сураси, 5-оят).

Жарир ибн Атийя шеъридан мисол:

ذم المنازل بعد منزلة اللوى والعيش بعد أولئك الأيام

Ливо (Ироқдаги провенсия) манзилдан кейин манзилларни ёмонла,

Ўша кунлардан кейинги айш (яшаш)ни ҳам.

Лекин кўпчилик ҳолларда олмошнинг бу шакллари шахслар учун ҳисобланади. Одатда бу каби ўринларда предметлар учун кўпликда تلك шакли қўлланади. Масалан: تلك الأيام نداولها بين الناس – (шундай кунларни одамлар орасида айлантириб турамыз. Оли Имрон сураси, 140-оят). Шунингдек, бу олмошнинг تلك шакли ҳам бор [4: 102].

Баъзан эътибор жалб қилишни ифода этувчи hā ва мазкур олмош ўртасига ишора қилинаётган кишилик олмоши қўшилиб келиши мумкин ва бу гапнинг балоғат билан ифодаланганлигини билдиради, мисол учун: هأنتم أولاء تحبونهم ولا يحبونكم ( Ҳой, сизлар, уларни севасизлар –у, улар сизларни севмайдилар. Оли Имрон сураси, 119-оят) [3: 122].

Кўрсатиш олмошларига қўшимча қўшилиши билан ифодалаётган маъноси ҳам ортиб бормоқда. Бу маъно масофанинг узоқ-яқинлиги билан боғлиқ бўлмоқда.

Саккокий бу мавзуни давом эттириб, шундай ёзган эди: “Кўз билан кўрилмайдиган бўлса, ҳикоя қилинишга эҳтиёж сезиладиган ўринлар учун қуйидаги сўзлар қўлланади, булар: الذي، التي، ماء، من، ذو الطائفة، ذا في ماذا، الألف و الام. Бу вазифасини бажарадиган сўзлар (“бириктирувчилар” [нисбий олмошлар]) деб номланади” [1, 31b].

Ега, кесим, аниқловчи эргаш гапларда бош гап билан эргашган гап ўртасини бириктирувчи сўзлар бўлиб, улар “бириктирувчи исмлар” (أسماء موصولة) деб юритилади. Булар ҳам синтактик вазифасига кўра ўзгармас сўзлар таркибига киради. Шакллари жиҳатидан олганда ушбу сўзларни икки қисмга ажратиш олиш мумкин. Бири сон ва жинс категориясида турли шакли, иккинчиси ягона шакли ҳисобланади.

Сон ва жинс категориясига эга нисбий олмошлардан Саккокий бирлик ва кўплик музаккар ва муаннас шакллари келтирган. Бу олмошларнинг иккиликда الذان музаккар, التان муаннас шакллари ҳам бор. Шу билан бир қаторда қаратқич ва тушум келишикларида бир хил бўлган اللتين، اللتين шакллари келишикда турланувчи ҳисобланади. Мисол учун: أعطاني صديقي الذي رجع من مصر كتابيه الذين جاء بهما هناك – Мисрдан қайтган дўстим у ердан олиб келган икки китобини менга берди.

Саккокий нисбий олмошларнинг бошқа айна бир ўринда, бир вазифада келадиган шакллари тўхталиб, шундай ёзган: “الضارب زيدا الذي في اللام” (Зайдни урган) билан الذي ضرب زيدا бир маънода, гарчи икки хил кўринишда бўлса ҳам” [1, 31b].

Олим келтирган исмнинг исм эканлигининг ёрқин морфологик белгиси ҳисобланувчи alif ва lām қўшимчаси аниқликни ифодаловчи артикл (لام التعريف) деб ҳам айтилади. Бу юклама ноаниқликни бартарафъ қилиш учун, суҳбат қилинаётган шахс ёки предметни аниқлаштириб келади. Олим таъкидлаётганидек, “Зайдни урган” аниқ бир шахс эканлиги الذي ва ال билан ифодаланмоқда. Нисбий олмош вазифасида ушбу юклама фақатгина исм фоил (аниқ нисбат сифатдоши) исми мафъул (мажхул нисбат сифатдоши) билан бирикиб келади. Демак, иккала шаклда маъно бир бўлсада, сўз туркумлари билан боғланиши турличадир. الذي нисбий олмоши кишилик олмоши ва феъл туркумлари билан бирикиб келади, аниқлик артикли фақатгина исм туркуми билан кела олади. Саккокий бундай вазифа бажарувчи яна бир сўз ҳақида: “Шунингдек,

الطائفة ҳам худди шундай вазифада келади,” деб ёзган эди [1, 31b]. Нисбий олмош кишилик олмошлари билан фақат от кесимли гапларда бирга келади, мисол учун: أمن هذا الذي هو جند لكم من دون الرحمان إن الكافرون إلا في غرور (Раҳмондан бошқа сизларга ёрдам берувчи ким? Кофирлар фақат ғурурдадирлар. Мулк сураси, 20-оят).

Саккокий кўплик музаққар ва муаннаса қўлланадиган нисбий олмош шакллари ҳақида: “Бу ўринда боғловчи исмларнинг бирлик шакллари ёзилди, иккилиги бирлигидан фарқли ҳолда кўп шаклидир. الذين (мз кўплик), اللاتين (мн кўплик) шакллари Бани Ақил ва Бани Кинона қабилаларида ҳам бор,” деб ёзиб, қуйидаги шеър байтини далил ўлароқ келтиради. У шоир Луъба шеърдан:

نحن الذين أصبحوا الصباحا يوم النخيل غارة ملحاحا

Нахил (палма) кунда босқинда собитлик ила тонгда тонг оттирганлар биз [1, 31b].

Ягона шакли нисбий олмошлар ҳақида Саккокий кўп маълумот бермасда, уларни китобида، ما، من، ذو الطائفة، ذا في ماذا، тарзида келтириб، أي ҳақида ўз қарашларини ўзидан олдин ўтган машҳур олимлар фикрлари билан далиллайди. Бу олмош ҳақида: “أي-أيهم (“уларнинг қай бири” сўз бирикмасидаги қайси? сўзи) Сибавайҳи ва унга эргашганлар фикрларига кўра тўлалигича боғловчи сўздир. أية - (қайси мн) Халил ибн Аҳмад Фарахий фикрига кўра ҳолдир” деб ёзган эди [1, 31b].

Саккокий бу олмошни أيهم тарзида келтиришининг боиси, бирор олмош билан изофа ҳолатида, айти шу вазифада келганида дамма билан ўзгармас ҳолда бўлади. Бунга қуйидаги оятни далил сифатида келтириш мумкин، у: ثم لننزعن من كل شيعة أيهم أشد على - الرحمان عتيا (сўнг, ҳар бир гуруҳдан Раҳмонга энг осий бўлганни суғуриб олурмиз. Марям сураси, 69-оят). Замонамиз машҳур олимларидан Мустафо Ғалааний фикрига кўра бу ҳолатда ҳам келишиқда турланиши мумкин [3: 129]. Саккокийнинг Сибавайҳи фикрига таянган ҳолдаги қараш бу сўз ўзгармас сўз ҳисобланиб, Сибавайҳи уни ҳарф туркумига киритганлигини ёзган эди [1, 31b]. Ўзгармаслик қондасига кўра араб тилидаги барча ҳарф туркумига кирувчи сўзлар ҳар қандай синтактик вазифада ўзгармас ҳисобланади.

Бу сўздан ташқари ما، ذا، من، ягона шакли нисбий олмошлар ҳисобланади [2: 137]. Саккокий булар ҳақида тўхталмайди. ما، من сўзларини билан бирикиб келса، сўроқ юкласи бўлади، яъни ما، من (ким?) - ماذا (нима?) шаклида. Бу ўринда сўроқ юкласи ҳисобланади. Ушбу олмош сўроқ олмошларидан кейин келиб، қўшма сўз ҳосил қилиб، нисбий олмош вазифасида ҳам келади. Сўроқ олмошлари билан келишини билдиргани ҳолда Саккокий ماذا таркибидаги ما، من деб ёзган эди [1, 31b]. Қўшма сўз ҳосил қилганда، албатта، сўроқ юкласига қайтувчи бирикма олмоши бўлади، мисол учун: ما (الذي) ذا قرأت (о) мумкин. Сўроқ юкласи ёки нисбий олмош вазифасида келса ҳам، ушбу сўз ўзгармас сўз ҳисобланади.

ما، من нисбий олмошларида ҳам бундан бошқа шакллари йўқ бўлиб، ўзгармас сўзлардан ҳисобланади. Одатда ما، من шахсларга нисбатан қўлланса، ма предларга қўлланади. Баъзан ўринлари аламшиб келиши ҳам мумкин. Мисол учун: ألم تر أن الله يسجد له - من في السموات ومن في الأرض (Кўрмадингизми, Аллоҳга осмондаги ва ердаги нарсалар сажда қилади. Ҳаж сураси, 18-оят) [2: 129-130].

Саккокий ما، من (”тоий”) [1, 31b] деб номлашини боиси, ушбу нисбий олмош

арабларнинг Тоййиъ лаҳжасида мавжуд эканлигидир. У ҳам аввалги олмошлар каби ягона шакли бўлиб, жинс ва сон категорияларига эга эмас. Мисол учун: أتى إلي ذو نشط – (олдимга фаол бўлган киши келди); أتى إلي ذو نشطن – (олдимга фаол бўлган аёллар келди).

**Адабиётлар Рўйхати:**

1. MU – Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтаҳу-л-улум. Анқара Milli Kütüphanesi. Қўлёзма 26 Нк 192 рақам. – 244 в.
2. 392 صفحة. 2000. الفكر دار عمان – الأول الجزء. النحو معاني. السامرائي صالح فاضل الدكتور.
3. 2010. الرسالة مؤسسة بيروت. الثلاثة الجزء. العربية الدروس جامع. الغلاييني مصطفى الشيخ. 847 صفحة.
4. و الندى قطر شرح. الحميد عبد الدين محي محمد تحقيق. الأنصاري هشام بن الدين جمال الله عبد. 352 صفحة. 1990. الخیر دار دمشق –. الصدى بل

